

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
BAZIRLAR MAᖘKAMACI XUZURIᖘAᖘI FAN BA
TEKHNOLOGIYALARNI RIVOJLANᖘIRIᖘNI
MUVOFIQLAᖘHIRIᖘ QŭMITACI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOᖘIYA BAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OᖘIY BA ŐRTA MAᖘCUS
TAŭLIM BAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI IQᖘISODIŐT BAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI FANLAR AKADEMIIYACINING
QARORI

392 **Фундаментал ва амалий таᖘқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1705-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар академиясининг 2007 йил 25 апрелдаги 2, 44, 81, 5-3-6/3 ва 2/4-сон қарори (рўйхат рақами 1705, 2007 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 362-модда) билан тасдиқланган Фундаментал ва амалий таᖘқиқотлар илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 июль,
5-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

31 (635)-сон

— 113 —

392-модда

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 июль,
50-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ВАХАБОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 июль,
37-ққ-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2014 йил 25 июль,
74-сон

**Фанлар академияси
президенти**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 25 июль,
16/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни мувофиқ-
лаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси-
нинг 2014 йил 25 июлдаги 5, 50, 37-ққ,
74, 16/2-сон қарорига
ИЛОВА

**Фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника
дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 28-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Илмий лойиҳаларга ажратиладиган бюджет» деган
сўзлар «Илмий грант» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Қолган 5 фоизи — кейинчалик ишлаб чиқаришга ёки илмий-педагогик

жараёнга татбиқ этиш учун илмий лойиҳани амалга ошириш натижалари экспертизадан ўтказилиб буюртмачи томонидан қабул қилганидан сўнг ажратилади.».

2. Қўйидаги таҳрирдаги 30¹-банд билан тўлдирилсин:

«30¹. Устама харажатлар миқдори лойиҳага ажратилган маблағнинг 20 фоизидан ортмаслиги лозим.».

3. IV бобнинг номи ва 48 — 52-бандлар «фундаментал» деган сўздан кейин «ва амалий» деган сўз билан тўлдирилсин.

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2014 йил 25 июль

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2014 йил 25 июль

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2014 йил 25 июль